

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди**

**№\_\_\_\_\_  
201\_\_\_\_ йил**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта маҳсус таълим вазирининг  
201\_\_\_\_йил “\_\_\_”\_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_-сонли буйруғи билан  
тасдиқланган.

**“АРХЕОЛОГИЯ”**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус,  
касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар  
фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг  
201\_\_ йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - сонли баённомаси билан  
маъқулланган.*

Тузувчилар: **“Олий таълимнинг норматив хуқуқий асослари”**  
модули: с.ф.д., проф.И.Эргашев, ю.ф.н., доц.  
В.Топилдиев.

**“Илгор таълим технологиялари ва педагогик  
маҳорат”** модули : п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.н.  
М.Т.Мирсолиева, п.ф.н. доц. М.Усманбаева, А.Исянова.

**“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация  
технологияларини қўллаш”** модули: ф-м.ф.н., доц.  
Х.Холмедов, ф-м.ф.н, доц. Д.Иргашева,  
кат. ўқит. В.Хамидов.

**“Амалий хорижий тил”** модули: Ўзбекистондаги  
Британия Кенгашининг етакчи мутахассислари, кат.  
ўқит. У.Гиясова.

**“Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари”**  
модули: с.ф.д., проф. С.Жўраев, т.ф.д.,  
проф.С.Абдурахимов, пс.ф.н. Х.М.Алимов.

**Маҳсус фанлар бўйича:**  
т.ф.д. проф. А.С.Сагдуллаев, т.ф.н. доц. Ф.Б.Очилдиев.

Тақризчилар: т.ф.д. проф. Ў.Мавлонов  
т.ф.н. Ш.Пидаев

Ўқув дастури ЎзМУ Илмий кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия  
қилинган (2015 йил \_\_\_\_\_ даги - сонли баённома).

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳдил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳдил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

### **I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асрларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари.
- 2.2. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.
- 2.3. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.

## **III. Таълим жараённада ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

- 3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.
- 3.2. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

## **IV. Амалий хорижий тил**

- 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

- 5.1. Тизимли таҳлил асослари.
- 5.2. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари.

## **VI. Махсус фанлар**

- 6.1. Ўрта Осиёда иқтисодий муносабатлар ва савдо-сотиқ тизими.
- 6.2. Марказий Осиё цивилизацияси ва қадимги давлатчилиги муаммолари.
- 6.3. Ўрта Осиё деворий нақш санъати.

## **VII. Педагогик амалиёт**

## **VIII. Малакавий аттестация**

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқувтарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўнишка ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифалари**га қуйидагилар киради:

“Археология” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўнишка, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизmlарини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

максус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Археология” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чикариш билан интеграциясини таъминлаш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив хуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Максус фанлар бўйича тингловчилар қуидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- ички ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг инсоният тарихида тутган ўрни ва аҳамиятини;
- айрбошлиш, савдо-сотик ва иқтисодий муносабатларни ўрганишдаги асосий манбаларни;
- Марказий Осиёning қадимги ва ўрта асрлар савдо-иктисодий муносабатларининг ўрганилиш тарихини;
- Марказий Осиё ва Қадимги Шарқ мамлакатлари ўртасидаги маданий-иктисодий алоқаларни;
- Ўрта Осиё хонликлари қўшни давлатлар – Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Россия билан анъанавий савдо-иктисодий алоқаларини давом эттириши;
- Марказий Осиё цивилизацияси ва қадимги давлатчилиги муаммолари;
- Ўрта Осиё қадимги цивилизациясининг кишилий жамияти тарихида, жаҳон цивилизацияси тараққиётida тутган ўрни ва аҳамиятини;
- Мустақиллик йилларида амалга оширилган археологик тадқиқотларнинг цивилизация ва давлатчилик тарихини ўрганишдаги аҳамиятини;
- Ўрта Осиё деворий нақш санъати фанининг санъатшунослик фанлари соҳасида тутган ўрнини;
- Ўрта Осиё нақш санъати ва археологиясини **билиши** керак.

#### **Тингловчи:**

- тарихий маълумотларни холисона, илмийлик, тарихийлик нуқтаи назардан ўрганиш;
  - археологик ва ёзма манбаларни таҳлил қилиш;
  - шаҳарларнинг топографик ўрни, уларнинг тузулиши мустақил тадқиқ қилиш ва ўрганиш;

-Марказий Осиё ишлаб чиқариши ва савдо иқтисодий муносабатлари фанининг тарихий маълумотларни илмийлик, тарихийлик ва холислик асосида ўрганиш;

-археологик манбалар ва илмий адабиётларни мустақил таҳлил қилиш;

-тарихий маълумотларни холислисона, илмийлик, тарихийлик жиҳатдан ўрганиш;

-археологик ва ёзма манбаларни таҳлил қила олиш;

-шахарларнинг шаклланиши ва уларнинг аҳамиятини мустақил тадқиқ қилиш ва ўрганиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

-шахарларнинг топографик ўрнини аниқлаш;

-археологик ёзма манба маълумотларидан ҳамда замонавий техник воситалардан фойдаланиш;

- деворий нақшлар топиб ўрганилган шахарлар ўрнини аниқлаш;

-археология дала тадқиқот усусларидан хабардор бўлиш;

- археологик қазишмаларни олиб бориш методларини билиш;

- қадимги давр шахарлари ва уларнинг давлатчилик масалаларида тутган ўрни тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши;

-археологик ва ёзма манба маълумотларидан ва замонавий техник воситалардан фойдаланиш **малакаларига эга бўлиши** зарур.

#### **Тингловчи:**

- Марказий Осиё ишлаб чиқариши ва савдо-иқтисодий муносабатларининг илмий ва амалий аҳамияти, ишлаб чиқаришининг шаклланиши, тараққиёти ва унинг босқичлари, маданий ва сиёсий омиллариниengl, тушуниб, илмий маълумотларга таянган холда мазкур фанга тегишли турли масалаларни таҳлил этиш;

-археология дала тадқиқот усусларидан хабардор бўлиш, археологик қазишмаларни олиб бориш методлари, қадимги давр шахарлари ва уларнинг давлатчилик масалаларида тутган ўрни тўғрисида кўникмага эга бўлиш, археологик ва ёзма манба маълумотларидан ва замонавий техник воситалардан фойдаланиш;

-олий таълим муасасалари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси илмий тадқиқот институтлари, республика илмий тадқиқот муасссаларида археологияга оид илмий тадқиқот ва фаолиятни олиб бориш;

-археология соҳасида илмий тадқиқот гурухлари ишини ташкил этиш, бўлим, кафедраларни, илмий жамоаларни бошқаришни илмий асосда ташкил қилиш **компетенцияларига эга бўлиши** лозим.

### **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон

Фармонининг З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидағи малака аттестати берилади.

## **“Археология” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни**

### **I. Олий таълимнинг норматив хуқуқий асослари**

#### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим–тарбия масалалари.**

Инсон онг ва тафаккурининг янгиланиши жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истиқболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”, “Юксак маънавият – енгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанизмнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш- мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир” ва бошқа асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишендан маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

#### **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.**

Норматив-хуқуқий хужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-хуқуқий хужжатларнинг ишлаб чиқиши ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарслклар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги 3-сон Қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талabalар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талabalарининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битиувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа меъёрий хужжатлар.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

### **2.1. Инновацион таълим технологиялари.**

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари. Очиқ маъруза, амалий машғулотларни лойиҳалаштириш, ташкил этиш.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмuni, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосидаги таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиши, табакалаштирилган ўқитиши ҳамда интерфаол таълим методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш. Электрон ўқув модуллари. Силлабус, кейслар банкини яратишга қўйиладиган дидактик талаблар.

## **2.2. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.**

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гурӯҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шартшароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шаротида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

## **2.3. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.**

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар ва бошқ. Замонавий таълимда тыюторлик, супервизорлик ва модераторлик фаолияти. Педагогик фасилитация-таълимда натижавийликни таъминлашдаги муҳим омил сифатида. Талабалар билимини баҳолашнинг ассесмент технологиялари.

## **III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

### **3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.**

Мультимедианинг компонентлари. Мультимедианинг бажарилиш шартлари. Мультимедианинг дастурий таъминоти. Мультимедиа компоненталарини солиштириш. Сақловчи технологиилар. CD-ROM, CD, DVD, HD DVD, Blu-ray. Мультимедиа файл форматлари. Мультимедиа плейерлари. Мультимедианинг қўлланилиши. Видео конференция. Медиа соҳалари. Рақамли аудио. Аудио файллар. Самплинг методи. Файлларни сақлаш усули. Аудио ва видеони таҳрирлаш. Мультимедиали электрон нашрлар (ўкув фильмлари, электрон дарсликлар).

Электрон таълим ресурслари хақида тушунча. Масофавий ўқитишда электрон таълим ресурсларини яратиш тамойиллари. Мультимедиали

маърузалар категориялари, Муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш.

Масофали ўқитишининг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълимни ташкил қилиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари. Таълимда эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотлар таҳлили. LMS тизимларининг асосий функциялари.

Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралиқ ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш. Moodle тизимида ўқув контентларни шакллантириш ва бошқариш.

Оммавий онлайн очиқ курслар (Soursera, edX, Khan akademiyasi, MIT Open Course Ware).

### **3.2. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.**

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Таълимий интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Zyonet.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, талабаларнинг электрон мулоқот мухитида жамоа бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим мухитида педагогик жараённи лойиҳалаштириш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажерлар, виртуал лаборатория машғулотларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар ҳимоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида ҳимоялаш. Ҳимоялаш воситалари.

## **IV. Амалий хорижий тил**

### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўқитиши ва ўрганишдаги ислоҳотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг мазмуни. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ҳамда тилга оид билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш усуллари.

Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари: коммуникатив, интерактив мулоқот, вазиятли-иммитацион ўйинлар, дебатлар, аудио-визуал усуллар ва Интернет ресурслари.

Тилни муваффақиятли ўзлаштириш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулокот мухити, мулокот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ.

Хорижий тилни ўрганишда нутқ фаолияти турлари (ўқиш, гапириш, тинглаб тушуниш, ёзув) бўйича компетенцияларни ривожлантириш усуллари.

Маданиятлараро мулокот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулокот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

## V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

### 5.1. Тизимли таҳлил асослари.

Тизимли таҳлил ҳақидаги асосий тушунча ва тамойиллар. Тизимнинг хусусияти ва тузилмаси. Тизимли таҳлил методологияси. Тизимли таҳлилнинг йўналишлари. Тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Тизимли услуг ва тизимли ёндашув. Аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этиш. Аналитик методлар ёрдамида қарорлар қабул қилиш. Тизимли таҳлилда миқдорий ва сифат ёндашуви. Педагогик вазиятларда қарор қабул қилиш усуллари. Талабалар индивидуал-психологик ҳамда креатив ривожланиш даражаларининг тизимли таҳлили.

### 5.2. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари.

Комплекс қарорлар чиқаришда тизимли таҳлил хусусиятлари. Қарорлар қабул қилишнинг асосий қоидалари ва таснифи. Қарор қабул қилиш даражалари. Қарор қабул қилиш босқичлари. Қарор қабул қилиш психологик жараён сифатида. Ўқув жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари. Турли омиллар асосида қарор қабул қилишнинг методологик жиҳатлари. Қарор қабул қилишда моделлаштириш усуллари. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарорлар қабул қилиш тажрибаси. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг ахборот таъминоти.

## VI. Махсус фанлар

### 6.1. Ўрта Осиёда иқтисодий муносабатлар ва савдо-сотик тизими.

Ички ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг инсоният тарихида тутган ўрни ва аҳамияти. Айрбошлаш, савдо-сотик ва иқтисодий муносабатларни ўрганишдаги асосий манбалар. Марказий Осиёning қадимги ва ўрта асрлар савдо-иктисодий муносабатларининг ўрганилиш тарихи. Илк алоқа йўлларининг шаклланиши. Ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг вужудга

келиши. Марказий Осиё ва Қадимги Шарқ мамлакатлари ўртасидаги маданий-иктисодий алоқалар. IX-XII асрларда шаҳар ва қишлоқ ахолиси сонининг кескин ўсиши. Оммавий истеъмол молларига бўлган талабнинг ошиши. Ички ва ташқи савдонинг ривожида ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиши. Сўнгги ўрта асрларда савдо-сотиқ тизими ва иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши хусусиятлари. Ўрта Осиё хонликлари қўшни давлатлар – Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Россия билан анъанавий савдо-иктисодий алоқаларини давом эттириши.

## **6.2. Марказий Осиё цивилизацияси ва қадимги давлатчилиги муаммолари.**

“Ўрта Осиё цивилизацияси” каби тушунчаларнинг республикамиизда ва чет элларда чоп этилаётган асарларда пайдо бўлиши ва қўлланилишининг ҳолати. Ўрта Осиё қадимги цивилизациясининг кишилиқ жамияти тарихида, жаҳон цивилизацияси тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти, маданий юксалиш муаммолари ёзма ва археологик манбаларга асосланган ҳолда қўриб чиқиш лозимлиги. Мустақиллик йилларида амалга оширилган археологик тадқиқотларнинг цивилизация ва давлатчилик тарихини ўрганишда аҳамияти. XX асрнинг 90-йилларида янги тарихнинг ёритилиши, этник ва давлатчилик тарихини қайта қўриб чиқиш, баҳолаш жараёни Ўрта Осиё республикаларида бир-биридан мустақил равишда бошланиши жараёни.

## **6.3. Ўрта Осиё деворий нақш санъати.**

Ўрта Осиёнинг деворий нақш санъати фани обьекти, предмети, мақсад ва вазифалари. Ўрта Осиё деворий нақш санъати фанининг санъатшунослик фанлари соҳасида тутган ўрни. Ўрта Осиё нақш санъати ва археология. Ўрта Нақш санъати манбалари. Ўрта Осиёда деворий нақш санъатининг ўрганилиш тарихи. Ўрта Осиёнинг деворий нақш санъатининг Ватанимиз тарихини ўрганишдаги аҳамияти. Антик даврида Ўрта Осиёдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнлар. Маҳаллий, эллин, сак-юечжи, гандҳар (ҳинд) маданияти анъаналарининг қарор топиши ва уларнинг ўзаро таъсири. Илк ўрта асрлар меъморчилигининг қарор топиши. Саройлар, қасрлар. Афросиёб деворий нақш санъати. Панжикент тасвирлари ва уларнинг мазмун-моҳияти.

## **VII. Педагогик амалиёт**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очиқ маъruzалар ва амалий машғулотлар ўtkазиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқсан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

## **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича қўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (ложиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (ложиҳа иши) доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс берадиган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Силлабус;

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошк.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илфор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимиға киритиб бориши лозим.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

## **Адабиётлар**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. – 2008.-176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.

### **II. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил I мартдаги 100-сон қарори билан тасдиқланган “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низом// Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004, 9-сон, 107-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом// Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006, 6-7-сон, 37-модда.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги № 3-сонли Қарори .

### **Ш. Махсус адабиётлар**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. – 218 б.
3. Баркалов С.А. Системный анализ и принятие решений.– Воронеж: НПЦ ВГУ,2010. 662с.
4. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers\*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.
5. Michael McCarthy “English Vocabulary in use”. Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.
6. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.
7. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
8. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
9. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании. Учебное пособие.М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана.2002.-336с.
10. Симонович СВ., Евсеев Г.А., Мураховский В.И. WINDOWS: лаборатория мастера: Практическое руководство по эффективным приемам работы с компьютером - М.: АСТ-ПРЕСС: Информком-Пресс, 2000. - 656 с.
11. Спицнадель В.Н. Основы системного анализа. Учебное пособие.– Санкт-Петербург: Издательский дом «Бизнес-пресса»,2000.–17с.
12. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999. – 244 с.
13. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мuloқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
14. Маҳмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
15. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
16. Ртвеладзе Э.В., Сайдов А.Х., Абдуллаев Е. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳукуқ тарихидан лавҳалар. – Т.: Адолат, 2001.
17. Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. Ўқув қўлланма. – Т.: Академия, 2006.
18. Сагдуллаев А., Аминов Б. Ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т.: Академия, 2000.
19. Сагдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Ўқув қўлланма. – Т.: Университет, 2004.
20. Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи. Ўқув қўлланма. – Т.: Маърифат, 2009.

21. Буряков Ю.Ф. По древним караванным путям Ташкентского оазиса. Ташкент: Фан., 1976.
22. Буряков Ю.Ф., Грицина А. Мавераннахр на Великом щелковом пути. Самарканд-Бишкек., 2006.
23. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. Л: Наука., 1973.
24. Сарианиди В.И. Маргуш. Ашгабад, 2006.
25. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. АН РУз., “Фан” 2000 г.
26. Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Фан. Т. 1964.
27. Эшов Б.Ж. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. Тошкент. 2008 й
28. Алимова Д., Буряков Ю.Ф. Самарқанд тарихи. Тошкент.2009 й.
29. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. Т., 2008 й
30. Караматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. 2009 й.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. [www.nuuz.uz](http://www.nuuz.uz)
5. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)